
Учкўприк туманида 4 та тажриба асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесга жалб қилиш бўйича туман ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Бегматовнинг мурожаати
Ассалому алайкум, тумандошлар!

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган 4 та тажриба, яъни Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Фиждувон тажрибалари янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, маҳаллаларда драйвер лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил мобайнида “Сайхунобод тажрибаси” асосида 52 та маҳаллаларда жами 1 минг 560 та микролойиҳалар амалга оширишни режалаштирган эдик.

Шундан сентябрь ойида 156 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда 185 та лойиҳа ишга тушурилди.

“Зарбдор тажрибаси” асосида 10 та маҳаллаларда саноат, савдо, хизмат кўрсатиш ва замонавий агротехнологиялар соҳасида жами 32 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Яратиладиган иш ўринлари сони 1 минг 475 та. Амалда бугунги кун ҳолатига 21 та лойиҳа ишга тушурилиб, 1 минг 45 та иш ўрни яратилди.

Учкўприк туманида “Фиждувон тажрибаси” асосида 8 та маҳаллада “тепага ўсадиган” (вертикал) саноат бинолари ташкил қилиш, бино ва иншоотларга эҳтиёжи юқори бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқариш қувватларини кўчириш бўйича жами 55 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Яратиладиган иш ўринлари сони 936 та. Топшириқقا асосан 50 та лойиҳа шакллантирилди. Иш ўринлари сони 883 та.

Амалда бугунги кун ҳолатига 35 та лойиҳа ишга тушурилган. Иш ўринлари сони 612 та.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича “Уйчи тажрибаси” асосида июль-декабрь ойлари мобайнида банк мижозлари билан 19 та учрашув ўтказиш ва бунинг натижасида 3 минг 482 та иш ўрни яратиш белгиланган. Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан 8 та учрашув ўтказилиб, 1 минг 554 та иш ўрни яратилди.

Жумладан, сентябрь ойида 4 та учрашув ташкил этилиб, 701 та иш ўрни яратилди.

2024-10-10 09:57:31